Савол сиздан — жавоб биздан

# ТИРИКЛИГИДА АФСОНА ЯРАТГАН ЖУНА

*«Ҳурматли таҳририят!*

***«Оқшом» газетаси билан қадрдонлашиб кетганимга чорак аср бўляпти. Уни ўқиганимда руҳим енгил тортади. Худди яқин кишим билан ҳасратлашгандек бўламан. Босилган материаллар оддий, содда тилда ёзилгани учун шундай бўлса керак? Айниқса, турли ҳодиса-воқеалар ҳақидаги ахборотларни бериб мутолаа қиламан.***

***Ванга, Жуна сингари ғайриоддий, яна ҳам очиқроқ айтадиган бўлсам «худо юқтирган» одамлар ҳақида кўп гап-сўзлар юради. Уларнинг қилган ишларини ҳайратга тушиб мақтайдилар. Агар иложи бўлса Жуна ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилсангизлар...***

*Эҳтиром билан,*
*Назира ЗАЙНУДДИНОВА,*
*Юнусобод, 6-даҳада яшовчи муштарий».*

-2-

...Украинадаги Донецк тиббиёт институти талабалари одатдаги амалий машғулот олиб боришарди. Бўлажак саломатлик посбонларидан бири майитнинг оёғидаги бошмалдоғига тиғ теккизди. Шу ондаёқ қичқириб юборди:

— Вой, қон оқяпти!

Маълум бўлишича, майит Юлия Воробьевани — шахта ишчисини ток урган экан. Врачлар уни ўлдига чиқаришди. Уч кундан кейин эса талабалар тасодиф сабаб унинг ўлмаганини билиб қолишди. Юрагига қулоқ солишса оҳиста-оҳиста уряпти... Юлия Воробьева оёққа туриб кетди. Лекин у билан ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар рўй бера бошлади: металл парчаларини унинг кўкраги худди магнитдек ўзига тортарди. Баъзи одамларнинг ичидаги касалларни бехато айтиб бера бошлади. Бунинг устига унга қандайдир овозлар эшитилар, яна ҳам аниқроғи «айтиб туришарди». Буни ўз вақтида болгариялик башоратчи, каромат соҳибаси Ванга ҳам айтган эди. Бу билимлар унга ўз-ўзидан «Миясининг чуқур қаъридан» келар экан. Ванга «юксак тараққий этган олий онг мавжуд, у — Космосда абадий ва улуғвор»лигини таъкидларди.

Жаҳон жаҳон бўлибдики буюк Нострадамус сингари башорат соҳиблари келажакни олдиндан айтиб келадилар. Юлий Цезарь қатлининг аниқ куни, Искандар Зулқарнайннинг тақдири, Ганнибал, Наполеоннинг бошига тушадиган қора кунлар башорат қилинган. Кирхгоф исмли сеҳргар аёл Пушкинга оқ либосли ва «оқ одам»дан эҳтиёт бўлишни айтган (Дантес «оқтой» бўлган ва оқ мундир кийиб юрган). Худди шундай Николай Бухариннинг ҳам тақдири аён бўлган.

Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлган жаҳонга машҳур Жуна — Евгения Ювашевна Давиташвили ҳам ана шундай каромат ва башорат, шарофат ва саховат соҳибаларидан биридир. Бири деганимиз бе-

-3-

жиз эмас. Инглиз Жейн Диксон Черчиллнинг сайловларда мағлуб бўлишини, Мартин Лютер Кингнинг, Роберт Кеннеди, қирол Файсал, Ражив Гандининг шаҳид бўлишини олдиндан айтган экан. Ҳатто уларнинг баъзиларини огоҳлантиришга уринган ҳам.

Жунага қайтайлик. 22 июлнинг, йилнинг энг узун куни, энг қисқа туни оқшоми. Қуёш ботиб, ой кўринадиган пайт. Кубанлик казак аёли Татьяна ҳарсиллаб стулдан турди. Ундан столга, тозалаб ювиб, чайилган дарпардаларнинг ёнига яқинлашди. Уларни ёйиб олса бўлди, икки-уч кундан кейин кўзи ёрийди. У чойшабни дорга ёйиш учун қўлини силтаб кўтарганини билади: туғиш бошланди. Татьяна ўзидан кетди... Жуна шундай дунёга келган эди. Асримизнинг 80-йилларида бутун дунё унинг шифобахш қўллари ҳақида гапира бошлади. Жунанинг қўллари ақл бовар қилмайдиган ишларни бажарарди. Жуна ҳақида ҳозир ҳам олимлару турли касб эгалари бири олиб, бири қўйиб баҳслашадилар. Жуна ҳақида жуда ҳам кўплаб мақолалар, китоблар ёзилган. Жунанинг ўзи ҳам «Қўлларимни тинглайман», «Тирик фазо ҳужайралари» китобларини ёзган.

Жуна дастлаб ажойиб аёл, унинг Вахо исмли ўғли бор. Жуна — курашчи, ўзини турли туҳматлардан, камситишлардан ҳимоя қилган ва ниҳоят ўз ғалабасини таъминлаган. Жуна — мусаввира. Жуна — шоира, ажойиб сатрлар муаллифи...

Жуна Давиташвили қийин кунларни бошидан кечирган онларда «Комсомольская правда» газетаси уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Газета мухбири Юрий Гейко ёзади: «Мен унинг уйида жаҳоннинг энг машҳур кишиларидан бирининг қизини кўрдим: сирли суратда ҳалок бўлган газета корчалони Максвеллнинг кинопродюссер жиянини, унинг эски ёзувчи дўстини, собиқ махсус топшириқларни

-4-

бажарувчи зобит, кейинроқ Жунанинг ҳимоячиси ва шогирди бўлган, ҳозирликда эса номдор табибни, бу ерга биринчи марта ташриф буюрган таниқли журналистни кўрдим. «Оилангизнинг дўсти ким. Жуна?» деб сўровдим, у аввал узоқ ўйланди, кейин: «Оғайнилар жуда кўп, дўстим йўқ», деди.

Бугун Жуна кимлигини айтишнинг сира ҳам ҳожати йўқ. Узоқ йиллар давом этган оғир курашлардан сўнг Жуна ҳаттоки Буюк Хитой деворидан ҳам мустаҳкамроқ деворни — тақиқлар деворини ёриб ўтди. Бугун унинг унвонлари, мукофотларини санаб чиқиш учун билмадим қанча вақт кетар экан. Унинг қўлидаги, бошқа еридаги чандиқлар Жуна ўзидаги шифобахш қудратни хонадонма-хонадон юриб намойиш этгандаги чеккан машаққатларининг мингдан бирини ҳам қопламайди. Йўқса Брежнев ҳам, Суслов ҳам, Епишев ҳам, Кириленко ҳам, Громико ҳам, уларнинг бола-бақраси ҳам Жунадан шифо топган эдилар. У биронта одамга рад жавобини бермасди».

Кўплар Жунанинг мол-дунёси билан қизиқади. Чиндан ҳам унинг, ўзбекча қилиб айтганда, топадиган пули жуда ҳам кўп. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Жуна биологик робот кашф этди. Миллионлаб доллардан воз кечди: робот Россияда ясалсин деб умид қилди. У кўпроқ маблағни хорижда ишлаб топади, Россияда сарфлайди. Яқинда Италияда ишлаб топган 17 минг долларни афғон уруши қатнашчилари жамғармасига ўтказди, яшаб турган туманидаги нафақахўр, ногиронларга берди. Албатта, у кунига 300-500 минг рубль топади. Ҳаммаси бош врачга, ҳисобчига, Жунага ёрдамлашадиган кишиларга сарф бўлади.

Жуна Давиташвилининг ўзи ҳикоя қилади: «Нимасини айтай, менга дастлаб шубҳа билан қарашди. Жуда қаттиқ текшириб кўришди. Ядро физикаси илмий текшириш институтида етти марта радиоактив нурлари бор камерага туширишди. Сербск но-

-5-

мидаги суд психиатрияси институтидаги чеккан азобларимни ёзиб ҳам, айтиб ҳам бўлмайди. Бунга ёлғиз худойим шоҳид. Институтдан сочимнинг ярми оқариб чиқдим. Ҳатто улар ёлғиз ўғлимдан жудо қилишлари мумкин эди.

— Илм-фан сизнинг кароматингизни қандай баҳолади?

— Қўлларим бутун бир-бирига ўхшамаган нурлар мажмуасини таратар экан. Бу XXI аср илми, дейишди.

— Ҳозирчи, ҳозир?

— Ҳозир кашфиётларимга патентларим бор. Улар даволаш услубларимга, тиббий аслаҳа-анжомларимга берилган. Биринчи патентимга академик Чазов имзо чеккан. Яқинда «Жуна-1» тиббий аслаҳа-анжомларимни кичик нусхалари тайёр бўлади.

— У юрак-томир хасталигида ҳам ёрдам бера оладими?

— Албатта. Бизда юраги жарроҳлик давосига муҳтож касаллар ҳам даволанишди. Бир-икки ой бизнинг биокорректор билан даволанганидан кейин, соғайиб кетишди. «Жуна-1» аслаҳа-анжомларимиздан ҳамма фойдаланиши мумкин. Уни поликлиникаларда кутишяпти. Келгусида турли аслаҳа-анжомларни чиқарамиз. «Жуна ҳар бир уйда» дастуримиз тахт қилиб қўйилган.

— Сиз боймисиз?

— Жуда бойман. Менинг бойлигим — қўлларим ва ақлим. Уларни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Жуна бугунга келиб машҳур дедик. У 129 халқаро академиянинг аъзоси. Буни шарҳласак: халқ табибаси Халқаро комплиментар тиббий университетининг вице-канцлери. У БМТ қошидаги ЮНЕСКОнинг Жаҳон Дипломатик академиясига қарашли. Бош қароргоҳ Шри-Ланкада, Коломбода, унинг филиаллари бугун жаҳонда бор. Ана шунинг учун ҳам у 129 академия аъзоси саналади.

-6-

Жунага тиббий хизмат генерал-полковниги ҳарбий унвони берилган. Айни пайтда ҳарбий либос кийиб юришга ҳам тамоман ҳақли. Чунки Жуна — жангчи, ҳар бир инсон саломатлиги учун у жангга киради. Ким билсин, кунига неча марта.

Жуна — аёл. Назокатли, латофатли аёл. У кўпроқ оҳунинг суратини ишлайди. Оҳу — назокат ва оналик рамзидир.

Жуна ҳақида патриарх Пимен ҳазрати олийлари: «Сен худо юқтирган инсонсан» деган эди. Чиндан ҳам шундай. Худо юқтирганлар эса бармоқ билан санарли. Халқ учун, Ватан учун фидойилари эса ундан ҳам кам.

Жуна «Эрка гулга ўхшайди, уни шунака парвариш қилиш керакки, у ҳар куни ҳар хил очилсин» дейди. Бу ҳам буюк даҳолик белгисидир.

Жунанинг орзуси битта: инсон умрини узайтириш. «Бунинг иложи борми?» деган саволга у: «Албатта. Биласизми бизнинг ҳужайраларимиз ҳар етти йилда бир янгиланади. Чунки инсон ҳам табиатда атомлардан иборат. Шундай экан ҳужайраларга ёшартириш дастурини киритиш мумкин. Кексалик — касалликдир. Уни даволаса бўлади».

Евгения Давиташвили — Жуна ана шундай тириклигидаёқ афсона яратган, афсонага айланган. Унинг издошлари Ўзбекистонда ҳам бор.

Сўзимизнинг охирида буюк инглиз фантаст адиби Артур Кларкнинг сўзларини айтиб ўтмоқ жоиз: «Агар менинг қўлимдан вақтни орқага қайтариш келсайди, ўз умримни сенга, сенинг илмингга бахш этардим».

Буюклик тасдиғига бундан ортиқ далилнинг ҳожати бўлмаса керак.

*Хориж матбуоти асосида*
*Темур УБАЙДУЛЛАЕВ тайёрлади.*



*Шаҳримиздаги 102-мактабда Американинг Тинчлик корпуси ходими Филипс Мигэн инглиз тилидан дарс бериб келмоқда. У ўқувчиларни ҳақиқий американиклар тилига ўргатади.*

*СУРАТДА: Филипс Мигэн 10-синф ўқувчиси Дилноза Оқилова билан машғулот пайтида.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

Мурувват

## БОЛАЛАРНИ ЙЎҚЛАБ

***Собир Раҳимов туманида жойлашган махсус мактаб-интернат шол ва болалар церебал фалажлиги билан оғриган болаларни тарбиялайдиган республикамиздаги ягона шифо-таълим даргоҳидир.***

Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардан ҳам келган ногирон болалар шу ерда ўқиб даволанадилар. Бундан ўттиз беш йил муқаддам ташкил этилган бу интернатнинг имкониятлари анчагина кенг ва у ерда болаларга 150 ходим хизмат қилади.

Дарслар замонавий талаблар асосида оддий мактаблардагидан ҳам чуқурроқ ўтилишига эътибор берилаётган ҳозирги пайтда масканда компьютер, лингофон хоналари мавжуд бўлиб, қизиққан болалар бу техник ўқув қуроллари билан дўстлашиш имкониятига эга. Битирувчи синфларда икки ойлик ҳисобчилик курслари ҳам ўқитилмоқда. Демак, бола бу мактабни тамомлагач иш фаолиятини ҳам бошлаши мумкин.

Ҳар бир дарс давомида даволаш машқлари ҳам олиб борилади ва бу жараён болалар учун зарурий муолажадир. Тушдан кейин ўқувчилар тарбиячилари билан бирга бўладилар. Физиотерапия, парафин билан даволаш ишларини Мукаррам Сафаева, Вера Ли каби тажрибали шифокорлар олиб боришади, болажонларнинг кемтик қалбларига малҳам бўлишади.

Яқинда мактабда саховатли тадбир бўлиб ўтди. Болаларни йўқлаб туман халқ таълими бўлими, Қизил Яримой жамияти, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасидан вакиллар келишди. Тарбияланувчилар эса меҳмонларга қизиқарли концерт дастурларини намойиш этдилар. Она-Ватан, соғлом авлод, ёрқин келажак мавзуларида ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларда таассурот қолдирди.

*Фарида ТОЖИБОЕВА.*

Обуна — 97 — Обуна — 97 — Обуна — 97 — Обуна — 97

Ўзингизда синаб кўринг

## ОМАДСИЗЛИКНИ ҚАНДАЙ ЕНГМОҚ КЕРАК?

Ҳеч ким ўзини ҳеч қачон хато қилмайдиган одам, дея ҳисоблай олмайди. Барчага маълум ҳақиқат шуки, ҳеч нарса қилмаган одамгина хато қилмайди.

Муваффақиятсизликни ҳар ким турлича тушунади. Кимдир ўз иродасига таяниб иш тутса, кимдир бутунлай тушкунликка берилади.

Бундай вазиятларда қандай ҳаракат қилмоқ лозим? «Экопси» Россия — Америка психологик маркази қуйидагича маслаҳат беради: одам ўз муваффақиятсизлигини эслаши ёмон эмас. Лекин ич-ичидан уни унутишни хоҳласа-ю лекин иродасига қарши бориб, ўша муваффақиятсизликни эсласа, буни албатта, ижобий баҳолаб бўлмайди. Шу боис, ишингиз ўнгидан келмагани ҳақида иложи борича ўйламасликка ҳаракат қилинг.

Лекин ғамгин хаёллардан қочишга уриниб юрманг, улардан қочиб қутилиш қийин. Яхшиси, улар учун алоҳида вақт ва жой ажрата билинг. Мисол учун: «Бугун кечаси бу ҳақда хотиним (эрим) билан гаплашаман...», «Эрталаб нима бўлиб ўтганини таҳлил қилиб оламан...» қабилида режа тузиб, уни амалга оширинг. Ва сиз ушбу белгиланган вақтгача ва ундан кейин содир бўлган нохуш иш ҳақида камроқ ўйлашга эришасиз. Чунки улар учун махсус вақт ажратиб қўйгансиз-да. Қолган пайт эса бошқа ишларингизни битириб юраверасиз.

«Барибир ҳеч нарса чиқмайди...» каби тушкун хулосаларга келишдан сақланинг. Яхшиси айтингки, «Мен ўйлаган иш ҳозир бир оз тайсаллаб турибди». Ҳеч қачон ўзингизни омадсиз санаманг. Ҳали олдинда жуда кўп хатолар сизни кутиб турган бўлади. Лекин сиз ҳамма нарсага чизиқ тортишга ошиқманг, зеро бунга ҳеч қачон кечикмайсиз.

Ишингиз юришмадими, бунинг сабабларини атрофлича ўйлаб кўринг. Улар икки тоифада бўлади: биринчиси сизга боғлиқ бўлган сабаблар, иккинчиси бевосита сизга боғлиқ бўлмаган сабаблар. Маълумки, сизга боғлиқ бўлмаган сабабларни ўзгартириш мумкин эмас. Лекин сизга боғлиқ бўлганларини ўзгартирса бўлади. Бу сизнинг хоҳиш-иродангизга боғлиқдир.

Кези келганда яқин ёр-биродарларнинг фикри билан ҳам ҳисоб-китоб қилиш сиз учун фойдадан холи бўлмайди.

Доимо ёдингизда тутинг: аслида муваффақиятсизлик одамни қайира олмайди. Ҳамма гап уни қандай қабул қилишга, тушунишга боғлиқ. Агар муваффақиятсизликни ортиқча ҳис-туйғуларга берилмай олдингизми, демак, сиз — ғолибсиз!

*Ўктам АҲМЕТОВ тайёрлади.*

- *Каромат ва шарофат соҳибаси*
- *Ким хато қилмайди?*
- *Минг бир дардга даво*
- *Келинг, бир кулишайлик*




Муштарийлар фикри

## ҚАДРДОНЛАРИ БИСЁР

***Абдунаби ОРИПОВ,***
***Сергели туманидаги 104-мактаб директори,***
***Республика халқ таълими аълочиси:***

— Яқинда Марғилондаги қариндошларимизникига меҳмонга бордик. Дўкондан «Оқшом»ни тополмадим. Сотувчига ҳар қанча ялинсам ҳам бир дона «Оқшом» топиб беролмади. Сабабини сўрасам атиги 20 дона олишар экан. Эрталабоқ газета қўлма-қўл бўлишини айтди. «Тошкент оқшоми»ни Марғилонда ҳам севиб ўқишларини, газетанинг мухлислари бисёрлигидан қувониб кетдим.

Севимли газетамизда «Бугунги кун нафаси», «Дилкаш суҳбатлар», «Дам олиш оқшомида», «Тошкент тадбиркори», «Мактаб, маҳалла ва оила», «Луқма», «Сиз кутган учрашув», «Жиноят жазосиз қолмайди» рукнлари остида чиқаётган ранг-баранг мақолалар менда катта қизиқиш уйғотади.

Мен «Оқшом» саҳифаларида туманлар йўқламаси давом этишини, «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари», «Алло, сизда қандай янгиликлар бор?», «Савол беринг, жавоб берамиз!» рукнлари остида мақолалар, қизиқарли хабарлар ўқишни орзу қиламан.

***Мирмажид ЗОКИРОВ,***
***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог:***

— Биз яшаб турган сайёранинг ҳали очилмаган сир-асрорлари кўп. Очилганлари эса кишини ҳайратлантирадиган даражада ажойиб. Ер остида рўй берадиган табиий жараёнлар, дарёлар, кўллар, денгиз ва уммонлар қаъридаги ҳодисалар, уларнинг коинот, хусусан само жисмлари билан бевосита алоқадорлиги кимни қизиқтирмайди? Айниқса маъданлар ва тошларнинг ғаройиб хусусиятлари, жумладан шифобахшлиги, безак сифатида жозибадорлиги билан боғлиқ халқ урф-одатлари, уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида ким ўқимайди дейсиз? Ана шу мавзудаги мақолаларим билан «Оқшом»саҳифаларида кўп бор чиқиб турганман. Аммо улар ҳали хамир учидан патир. Бундай маълумотларнинг таги мўл.

Масалан, биз яшаб турган Марказий Осиё ҳудуди ўрнида қачонлардир уммон шовуллаб турганига ишонасизми? Табиатда чинқироқ тошлар, ашулачи барханлар мавжудлигини эшитганмисиз? Миср эҳромларини очишда иштирок этган одамларнинг сирли ўлим топганиничи?

1997 йилда бу каби ғаройиб ҳодисалар ҳақида маълумотлар бериш, уларни шарҳлаш билан севимли «Тошкент оқшоми» газетасида мунтазам чиқишлар қилиб боришни ният этдим. Насиб этса, Янги йилда «Оқшом» муштарийларини қизиқтирувчи мақолалар билан юз кўришамиз.

***Омон САЙДАМИНОВ,***
***муаллим:***

— Ноябрь ойининг сўнгги кунлари бирон нарсамни йўқотиб қўйгандай, кўнглим ҳижил бўлиб юрган эди. Бу кайфиятимни сезган фарзандларим кечқурун:

— Ада, нимага хомуш бўлиб юрибсиз? — деб сўрашди.

Шунда мен уларга:

— Севимли газеталаримга ёзила олмаяпман, — дея жавоб бердим.

— Эҳ, адажон! Шуни ўйлаб юрибсизми? Мана бир неча ўн йиллардан бери сиз ёзилган «Тошкент оқшоми»дан биз ҳам баҳраманд бўлаётган эдик. Келинг, бу йилги обунани биз ўз бўйнимизга олсак, нима дейсиз, — дея фикр билдиришди. Мен розилик бердим.

Ана энди ўғилларим кўмагида янги 1997 йилги «Оқшом»ни қўлдан қўймай, оила аъзоларимиз рафиқам, муаллима Дилбархон, келинларим Юлдузхон, Мастурахон ҳаттоки, бешинчи синф ўқувчиси набирам Диёрахонлар ўқийдиган бўлдик.

Шу ўринда «Оқшом» таҳририяти ходимларига бир-иккита тилак-истакларим ҳам бор эди. Келаси йили газетада пойтахтимизнинг ибратомуз фидойи кишилари ҳаёти ва фаолияти мунтазам ёритиб борилса. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг айрим ўзига хосликлари натижасида ёшларимиз тарбияси бироз сусайганга ўхшайди. Шу маънода одоб-ахлоқ мавзуларига газетада бундан ҳам кенгроқ ўрин берилса.

Ибратли сўзлар

## АҚЛ ТАРОЗУСИ

- Мен ҳам яхши кўраман, ўзимга ёққан нарсани.
- Ҳаётингни шундай қургинки, деярли ҳамма инсонларга ҳам яхши бўлсин.
- Асални ҳамма яхши кўради. Уни эса, фақат меҳнаткаш аригина яратади.
- Инсоннинг тили икки хил бўлади: биридан асал томади, биридан эса заҳар.
- Севги бу — ҳам хурсандчилик, ҳам ҳафагарчилик, ҳам бахт, ҳам ташвишдир.
- Ватанини ташлаб кетган ҳамда ўзгартирган кишининг юзи ҳеч қачон ёруғ ва чиройли бўлмайди.

*Николай ТЯТОВ.*

## ТАБАССУМ

Салимжондан ошнаси сўраб қолди:

— Эркак нимани ҳеч қачон билолмайди?

— Хотини билганини! — жавоб берди у.

***

— Қачон эрнинг шўри қурийди?

— Хотинига ақл кирганида...

***

— Инсон нимаси билан гўзал бўлмоғи керак?

— Пули билан...

***

— Бозор кимники?

— Паттачиники!..

***

— Оғайни, сигирингни кимга сотдинг?

— Қайнотамга!..

— Нега!

— Ўзим ҳам сутидан ичиб тураман-да!..

***

Муаллим ўқувчисидан сўраяпти:

— Қирғоқ билан сув ўртасида нима бор?

— «Билан» боғловчиси...

***

Отарчидан ошналари сўраб қолди:

— Халқ сени нимангучун олқишлашди?

— Қаттиқ бақирганим учун!..

*Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ.*

***Луқмони Ҳаким дунёдан кўз юмаётганда шогирдлари тепасида йиғлаб «Энди сизсиз қандай яшаймиз?» деб фарёд қилишаётганда аллома «Мен ўлсам сут сизлар билан қоляптику», деган экан.***

Унутилаёзган меросимиз

## ҚУРИТТОВО

Сут, қатиқ ҳам таом, ҳам шифолигини буюк табиб, Абу Али ибн Сино ҳам ўз асарларида айтиб ўтган. Биргина сутдан неча хил шифобахш таом: ширгуруч, ширхўрда, ширчой, оқчой кабилардан ташқари қаймоқ, қатиқ ва сузма истеъмол қиламиз. Янги туғган сигир сутининг шифолигини тушуниб, ундан оғизлар тайёрланади. Хурмачаларга солиб маҳалла одамларига улашилади. Сигир сути оғиздан аригунича бола-чақа билан тўйиб ичилса шифо экан.

Дармонсизга қўй сути, эмадиган болага эчки сути шифобахшлигини доноларимиздан эшитганмиз. Айниқса қиш чилласидаги қатиқ-сут бениҳоя шифо дейишади. Тумов, ўпка шамоллашига учраганларга кексаларимиз наҳорда сут пишириб ичишни тавсия қилишади. Табиблар тинкаси қуриб юрганларга пишган сутга асалми, қаймоқми, сариёғми қўшиб, яхшилаб аралаштириб, битта ёпган нонни тўғраб еб турсанг, куч-қувватга кирасан, деб маслаҳат бериб келишган.

Сут-қатиқни халқимиз сира исроф қилмаган. Ачиб кетган, ичишга ярамайдиган қатиқлари қолган бўлса, идиш-товоқ, айниқса, мисдан ясалган самовар, мисбаркаш, мис қошиқ, мис чойнак, обдаста, қумғонлару мис қозонларигача ювиб қўйишган. Ҳатто қатиқ зардобни ҳам ичишган. Ёғи олинган сутларга хамир қорилган. Сузма суви-зардобидан хушру, нордон хўрда (мастава)лар пишириб, ҳузур қилиб ичишган.

Сут, қатиқ керак бўлса сигири борларникига фақат кундуз кунлари боришган. Ирим-сиримларга кўра қош қорайганда сигирлилардан қатиқ ёки сут сўрашмаган. «Сигир сут бермайдиган, тепағон бўлиб қолади» деган тушунча бўлган. Сут, қатиқни «оқлик» дейилган. Бировнинг ҳақига хиёнат қилиш катта гуноҳ ҳисоблангани сабаб сут, қатиқ сотиш жараёнида бир-бировларини сира алдашмаган. Сутга сув қўшиб сотиш ниҳоятда айб саналган.

Қуриттово тайёрлаш туркий халқларнинг қадим замонлардан буён давом этиб келаётган одати бўлиб, у қиш фаслидаги севимли таомларидан бири ҳисобланган. У қўй, сигирларнинг ёғи олинмаган қатиқлари қўритларидан тайёрланади. Офтобда яхшилаб қуритилган қуритлар қайнатилган сувда ивитилиб, сўнг ёғоч ёки тунука тоғорада яхшилаб эзилади. Сузғичлардан ўтказилгач, қуриттовони коса ёки товоқларга қуйиб, кечки пайтлари ётиш олдидан ичилса, баданни яйратиб, қиш пайтлари ҳуруж қиладиган турли касалликлардан халос этади. Айниқса, шамоллашлардан бу таом доим сақлаб келган. У баданни, айниқса, оёқ-қўллар, беллар, бўйин, юз, кўз, бурун, умуман нафас йўлларигача қиздириб иситади. Совуқни қиш бўйи сездирмайди. Қуриттово ёшдан кексагача безиён ҳисобланган.

Қўй қуритидан тайёрланган қуриттовони халқимиз кофар иссиқлик, минг дардга даво дейишган. Ёғи олинган қуритдан ҳам қуриттово тайёрлашгану, унинг қуруқ ўзини эмас, қаймоқ, сариёғ, дурда қўшиб истеъмол қилишган. Кимдир уни нон билан ичса, кимдир шифо бўлсин деб ўзини симирган. Қуриттовонинг яна бир хусусияти шундаки, йўқчилик пайтлари бемалол таом ўрнини босаверган. Бир неча кун оилада нон, бошқа таомлар йўқлигини сира билдирмаган. Қуриттово ўзига хос кечки, тўйимли, тўқ тутадиган таомлигини халқимиз ҳамон унутишмаган.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ.*

Бу — қизиқ

## ОЛИМПИАДА ТЕГРАСИДАГИ ГАПЛАР

Милоддан олдинги 426 йили Қадимги Юнонистонда ўтказилган Олимпия ўйинларида от ўйинида қатнашган 40 чавандоздан атиги бир кишигина омон қолган.

***

Македония шоҳи Филипп II замонасида — эрамиздан олдинги 356 йилда ўтган Олимпиада ўйинлари шарафига юзида чавандозлик пойгасининг ғолиби, орқасида Зевс акс эттирилган танга зарб қилинди. Бу анъана Филипп IIнинг ўғли, буюк лашкарбоши Александр Македонский даврида ҳам давом этди.

***

Олимпиада ўйинларининг ғолиблари одатда дафна япроқларидан ясалган гулчамбар билан тақдирланишар эди. Римликлар ғолибларни олтин медаль билан мукофотлашни бошлаб беришди. Бу одатни эрамиздан олдинги 242 йилда Александр Македонский хотирасига бағишлаб Олимпиада ўйинларини ўтказган Рим императори Гордиан III жорий қилган эди.

***

Эрамиздан олдинги 356 йилда Олимпиада қишлоғида 105-Олимпиада ўйинлари ўтказилиши шарафига чиқарилган танганинг юзида Зевснинг боши, орқасида эса Олимпия Нимфаси тасвирланган эди.

***

Москвадаги нодир элементлар минерологияси, геохимияси ва кристаллохимияси институти бир гуруҳ тадқиқотчилари топган янги элемент «Олимпит» деб номланди. У Москвадаги XXII ёзги Олимпиада ўйинлари шарафига шундай деб аталди.

Олимпит — натрий, фосфат ва кислороднинг маълум бўлмаган юм-юмалоқ табиий бирикмасидан иборат. Ялтироқ бу элемент Мурманскдаги тундрадан топилди.

*Саодат ОДИЛОВА тайёрлади.*

Ф. СП—1

**Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» (нашр номи) — 64690 (нашр кўрсаткичи)

**газетасига ОБУНА**

обуна сони

**1997** йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

**ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ**

| | |
|---|---|
| | |
| п. в. | жойи |

**64690**

(нашр кўрсаткичи)

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

(нашр номи)

обуна баҳоси сўм обуна сони

янги манзилга юбориш баҳоси сўм

**1997** йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Тошкент оқшоми»га йўллаган хатларингизда ўзингиз таъкидлаганингиздек, у ёки бу нашрга обуна бўлишнинг афзал томонлари кўп. Демак, обуна тугашига саноқли кунлар қолганини эътиборга олиб тезроқ «Оқшом»га келгуси йил учун ёзилиб қўйганингиз маъқул.

УЙ МАНЗИЛИГА
- ☐ Бир ойга — 99 сўм
- ☐ Уч ойга — 297 сўм
- ☐ Олти ойга — 594 сўм
- ☐ Бир йилга — 1188 сўм.

АБОНЕНТ ҚУТИСИГА
- ☐ Бир ойга — 79 сўм
- ☐ Уч ойга — 237 сўм
- ☐ Олти ойга — 474 сўм
- ☐ Ўн икки ойга — 948 сўм.

ГАЗЕТА ИНДЕКСИ — 64690.

«Тошкент оқшоми»га Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.

Вақт ғанимат, азиз муштарийлар. Ўзингиз севган «Тошкент оқшоми»га обунани расмийлаштиришга шошилинг!

Обуна — 97 — Обуна — 97 — Обуна — 97

**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

